Ўқувчилар саёҳат дарсининг ташкил қилинишигача бўлган ширда Тошкент ҳақида шеърлар ёд олади, унинг тарихини ўқитувчи адабиётлар билан танишади. Тўпланган маълумотлар асосида улар энди ижодий ишга киришади. Кимдир ўртоғига Тошкент шаҳрининг тарихини сўзлаб хат ёзса, кимдир Тошкент шаҳрини мадҳ қилувчи шеърлардан ҳиргоя қилади. Энди кимдир ҳақиқий Ватан фидойиси бўлиб, она-диёрнинг гуллаб-яшнаши учун нима қилиш кераклиги тўғрисида режа тузади. Ҳа, бу ҳақиқий ватанпарварнинг иши, деса бўлади. Ўқитувчи ўқувчилар ҳаракатини сусайтирмасдан уйга вазифа беришни ҳам эсидан чиқармайди яъни уй вазифасини бериш эмас, тақсимлашни маромига етказилади.

Тошкент шаҳри Яккасарой туманига қарашли енгил саноат касб-ҳунар коллежининг ўзбек тили ўқитувчиси Мисирова Ўзгидой ҳам коллежнинг русийзабон ўқувчилари билан ўлкашунослик материалларидан фойдаланиб, «Амалий санъат» музейига саёҳат уюштиради. Муаллиф мақолада: «Инсон аввало, уни тугилиб ўсган ўлкасини яхши билиши керак», – дейди. У ўқувчиларни ўлканинг табиати, об-ҳавоси, меъморий обидалари, миллий кадриятлари, урф-одатлари билан таништириш билан бир қаторда уларнинг оғзаки ва ёзма нутқини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва унинг уддасидан чиқади. «Амалий санъат» музей экспонатлари ўқувчиларда унутилмас таассурот қолдиради. Ўқувчилар музей таассуротлари юзасидан ижодий топириқлар бажаради.

Ёзувчи (шоир) ҳаёти ва ижодини ўрганишда адабиёт ва санъат музейлари, адиб қадамжолари ҳамда адиб уй-музейларига саёҳатлар уюштириш, туғилган куни муносабати билан ёзувчи-шоир(шоира)лар билан учрашувлар ташкил қилиш яхши натижа беради. Музейда ўтилган дарс: синфда ўтилган дарсларни тўлдирувчи, ўқувчи- талабалар тасаввурини бойитувчи,

мазмундор дарслардан бири ҳисобланади. Бундай дарслар талабалар хотирасида узоқ сақланиб қолади. Музейдаги ёзувчи ҳаёти ва ижодига тааллуқли бўлган экспонатлар ҳақидаги маъруза музей бошқарувчиси ёрдамида талабаларга етказилади. Ўқитувчининг ўзи ҳам репродуктив усулда талабаларга гапириб ўтиш лозим. Демак, ўқитувчининг ўзи ҳам музей ва уй- музей экспонатлари билан олдиндан танишиш, ёзувчи (шоир) ҳаёти ва ижодига тааллуқли маълумотларни ўрганган бўлиши, лозим бўлса, адибнинг оиласи, шогирдлари билан учрашувлар ташкил қилиши керак. Музей экспонатлари билан талабалар танишини жараёнида куйи синфда ўтилган мавзулар такрорланади, мустаҳкамланади. Жумладан, талабалар ёзувчининг болалик даври, унинг оиласи, қариндошлари, шогирдлари, дўстлари, унинг сеvimли машғулотларидан хабардор бўлади. Ёзувчи ижодига ўз ҳиссасини қўшган қардош адиблар ҳақида ва унинг қардош халқлар адабиётига қўшган ҳиссаси ҳақида баҳс юритилади.

Масалан, Гафур Ғулом уй-музейидаги дарс куйидагича амалга оширилади.

- Ўқувчи-талабаларга уй-музейнинг ички қондаларга риоя қилишлари ҳақида тушунча берилади;
- дарс давомида музей бошқарувчисининг гапларини ёзиб олиш учун (қалам, ручка, ўчирғич дафтар, чизғич) керакли ўқув анжомларини тайёрлаш таъкидланади;
- дарсни ўқув масканларининг радио-узеллари орқали эшиттириш учун магнит тасмасига музейдаги фаолият ёзиб бориш уюштирилади;
- ўқув масканлари ва тил ва адабиёт хоналарини ўлкашунослик материаллари билан бойитиш учун деворий газета, альбом, буклетларга нусха кўчиришда фотоаппаратдан фойдаланиш тавсия этилади.

Ўқувчи-талабалар адибнинг уй-музейига боришдан олдин, илмий ва бадиий адабиётлар билан пухта танишади. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларидан маълумотлар тўплашади. Адибнинг туғилиб-вояга етган Тошкент шаҳрининг географик харитаси чизилади. Тошкент окшоми (2005 йил 2 май сони)

газетасида Ойбек ва Ғафур Ғулом фотосурати катталаштирилиб портрет сифатида тақдим этилади. Адиб замондошларининг Ғафур Ғулом номига айтилган фикрлари, Ғафур Ғуломнинг ўз фикриндларига, замондошларига, шогирдларига билдирган фикрлари катта коҳоз плакатларда намоиш этилади. Ўқитувчи томонидан адиб туғилиб-ўсган диёр ҳақида қисқача маълумот берилади. Адиб номини абадийлаштириш учун қукуматимиз томонидан чиқарилган қарор ўқилади ва унинг номини абадийлаштириш учун қаерларга қўйилганлиги ҳақида сўз юритилади.

Режа асосида уй-музейи директори, адибнинг кизи Олмос Аҳмедова талабалар билан музей ҳовлисида учрашади. Талабалар Ғафур Ғулом ҳақида тўплаган материаллар асосида ўзларини қизиқтирган саволлар бериб, жавоб эшитишга мувофақ бўлдилар. Академик шоир Ғафур Ғулом уй-музейидан талабалар катта ва бош таассуротлар билан қайтдилар. Талабаларга саёҳат таассуротлари юзасидан «Мен севган адиб», «Ғафур Ғулом – Тошкентда», «Ғафур Ғуломнинг ижод хонаси» каби мавзуларда анбом, иншо, реферат ва кеча сценарийларини ёзиб келиш вазифаси топширилади. Демак, адиб ҳаёти ва ижодини урганишда адабиёт ва санъат музейлари ва адиб уй музейларига таъриф буюриш кутилган натижани беради. Талабалар адиб ҳаёти ва ижоди билангина танишиб қолмай, шу даврнинг илгиримий-сиёсий ва маданий ҳаётидан ҳам хабардор бўлади. Шу тариқа ёшларни она-Ватанга, буюк аجدодлар мероси ва халқимизнинг мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни, дунёни ҳайратга соладиган миллий обидалар, қадимий ёдгорликлар, музей ва адиб уй-музейларини зиёрат қилдириш, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам равишда таништириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқот ва изланишлар тажрибаси шундан далолат берадики, республикамизнинг кўплаб мактабларининг ўз музейлари бўлиб, улар энг аввало ушбу илм маскани ҳақида сўзлайди. Албатта, бу каби хайрли ишлар тиниб-тинчимас педагог-ўқитувчи раҳбарларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида юзага келади. Нишон тумани 16- мактаб ўқитувчиси Абил Омонов шундай дейди:

– Нишон тумани халқ таълими бўлими розилиги билан 1991 йил 1 сентябрдан бошлаб тумандаги 16-мактабда «Тарих ва ўлкашунослик» тўгараги иш бошлади. Ишни оддий станаларимизнинг кўмаги остида - эски иш қуроллари йиғишдан бошладик. Тангашунослик, халқ ҳунармандчилиги, халқ рўзгор буюмлари билан кенгайди.

Бухор Юсупов – Яккабоғ тумани Ёш саёҳлар ва ўлкашунослар маркази, ўлкашунослик тўгарагининг раҳбари.

–Асқар Холмурадов номли ўрта мактабнинг фаоллари ёрдамида тарихий музей ташкил этилди. Тарихий музейни ноёб экспонатлар билан бойитиш мақсадида қўшни Шаҳрисабз, Қамаш, Дехқонobod, Чирокчи туманларидаги қишлоқ ва овулларда бўлиб, нодир ёдгорликлар, ўзбек халқининг тарихий маданиятини ақс эттирувчи экспонатлар тўпланди. Тарих музейига эски даврдаги қишлоқ хўжалик, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ускуналар, ўрмак, чарх тўқувчилик асбоблари, кулолчилик, мисгарлик, ҳар хил матолардан тикилган аёллар кийимлари, 1910- 1930 йиллардаги қоғоз ва танга пуллар, Мисрдаги Фиръавнлар қабрининг ганждан ишланган нусхаси сақланмоқда. Шунингдек музей залида улуғ саркарда ва халқ донишмандлари: Амир Темур, Мирза Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобир фаолиятига даҳлдор бўлган кўргазмалар жой олган. Ўқувчилар билан Яккабоғ кўрғонидаги Ёдгор Валламин мадрасасига, Беглик кўрғонига, Шаҳрисабз шаҳридаги Соҳибқирон Амир Темур хиёбонига, Оқсарой, Ҳазрати Имом каби тарихий обидаларга саёҳатлар уюштирилган.

#### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Фафур Гулом уй-музеи қаерда жойлашган?
2. Адиб уйи нима учун музейга айлантирилган?
3. Академик шоир Фафур Гулом уй-музейининг ташкилотчиси ким?
4. Фафур Гуломнинг қайси асари етти тилга таржима қилинган?
5. Уй-музейда уй-рўзгор буюмларидан ташқари чолғу асбоблар ҳам мавжуд. Адиб ўз шеърларига мусиқа басталаганми?
6. Фафур Гуломнинг 100 йиллигига бағишлаб барпо этилган маданият ва истироҳат боғидаги адиб ҳайкалининг муаллифи ким? (Равшан Миртожиев, Валерий Акопжян)

7. Адиб номини абадийлаштириш учун унинг номи яна шерларга қўйилган?

8. Ғафур Ғуломнинг қайси асари Сизга ёқади?

9. Адибнинг қайси асарини ойнаи жаҳонда томоша кўриш мумкин?

**1- топшириқ.** Мусобақа дарслари қандай дарс ва бу дарслар қандай усулларда ташкил қилинади?

**2- топшириқ.** А. Орипов ижоди бўйича мусобақа дарсини ташкил қилишда қандай усул ва методлардан фойдаланаси шухлаб беринг.

**3-топшириқ.** Академик шоир Ғафур Ғулом уй-музейининг ташкилотчиси ҳақида маълумот тўпланг ва гапириб беринг.?

#### Адабиётлар:

1. Каримов И “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” Тошкент: Ўт — н нашрети. 1999 йил.

2. Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. Тошкент: “Молия” 2003 йил.

3. Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти Тошкент: “Ўқитувчи” 2002 йил.

4. Зиёдуллаева Н. Ш. “Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари Афтореферат Тошкент: 2000 йил

5. Р. Усмонов Юқори синфларда ёзувчи биографиясини ўрганиш. Тошкент: Ўқитувчи, 1968 йил

<b>2-мавзу.</b>	Янги дарс мавзусини ўтишда карточкалардан фойдаланиш йўлларини кузатиш. Бадиий асар режасини тузишга ўрганиш усуллари. Бадиий тасвир воситаларига оид жадваллар тузиш методикаси. Ребус ва красвордлар тузишни ўрганиш методикаси.
-----------------	--

### Таълим бериш технологияси

<b>Машғулот вақти 80 дақиқа</b>	Талабалар сони 15-25 тагача	
<b>Машғулот шакли</b>	амалий машғулот	
<b>Амалий машғулот режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Янги мавзунини ўтишда тарқатма материаллардан фойдаланиш.</li> <li>2. Бадиий асар режасини тузишга ўргатиш.</li> <li>3. Бадиий тасвир воситаларига оид жадваллар тузиш.</li> <li>4. Ребус ва красвордлар тузишни ўрганиш.</li> </ol>	
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Янги мавзунини ўтишда тарқатма материаллардан фойдаланиш ва бадиий тасвир воситаларига оид жадваллар, ребус ва красвордлар тузиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.		
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Янги мавзунини ўтишда тарқатма материаллардан фойдаланиш;</li> <li>- Бадиий асар режасини тузишга ўргатиш;</li> <li>- Бадиий тасвир воситаларига оид жадваллар тузиш;</li> <li>- Ребус ва красвордлар тузишни ўргатиш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Янги мавзунини ўтишда тарқатма материаллардан ўринли фойдаланиш</li> <li>- Бадиий асар режасини тузишга ўргатиш;</li> <li>- Бадиий тасвир воситаларига оид жадваллар тузиш;</li> <li>Репус ва красвордлар тузиш бўйича кўникма ва малакалар шаклланади.</li> </ul>	
<b>Таълим бериш усуллари</b>	Амалий машғулот, суҳбат, такдимот, кластер.	
<b>Таълим бериш шакллари</b>	Оммавий, жамоавий	
<b>Таълим бериш воситалари</b>	Ўқув қўлланма, проектор, тарқатмалар.	
<b>Таълим бериш шароити</b>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория	
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Огзаки назорат: савол-жавоб	

## 1.2. амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи	<p>1. Амалий машғулот матнини тайёрлаш.</p> <p>2. Амалий машғулот учун тақдимот слайдларини тайёрлаш.</p> <p>3. Талабаларнинг амалий машғулотдаги фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тузиш.</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Кўриб ёзиб борадилар</p> <p>Танишадилар.</p> <p>Кўчириб оладилар.</p>
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1 Мавзу доскага ёзилади. Слайдлар ва адабиётлар рўйхатини бериб, уларга қисқача таъриф берилади.</p> <p>1.2. Амалий машғулот мавзуси, унинг мақсади ва фаолият натижалари билан таништиради.</p> <p>1.3. Талабалар амалий машғулотдаги фаолиятини баҳолаш мезони билан таништирилади.</p> <p>1.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>саволларга жавоб берадилар.</p>
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изохлаш билан мавзунинг бўйича асосий жиҳатларини тушунтириб беради.</p> <p>2.2. Мавзунинг таълим босқичларидаги аҳамияти.</p> <p>2.3. Талабалар бажариши лозим бўлган амалий машғулотлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• янги мавзуни ўқишда тарқатма материаллардан фойдаланиш;</li> <li>• бадиий асар режасини тузишга ўргатиш;</li> <li>• бадиий тасвир воситаларига оид жадваллар тузиш;</li> <li>• Ребус ва красвордлар тузишни ўргатиш.</li> </ul> <p>2.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустахкамлаш мақсадида куйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• янги мавзуни ўзлаштиришда карточкаларнинг қандай аҳамияти бор?</li> </ul>	<p>Тинглайдилар, ёзадилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзадилар.</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Карточкаларнинг қандай турларини биласиз?</li> <li>• Тарсеъ қандай санъат?</li> <li>• Талмех санъати нима?</li> <li>• Қандай бадий санъат ташхис деб аталади?</li> <li>• Ифрок санъати ҳақида гапиринг?</li> <li>• Ирсоли масал санъати ҳақида сўзланг.</li> <li>• Тазод қандай санъат?</li> </ul> Ребус ва кросвордлар қандай тузилади?	
<b>3. Якуний босқич (10 дақиқа)</b>	3.1. Талабалар томонидан берилган саволларга жавоб берилади. 3.2. Ўтилган машғулот хулосаланади. 3.3. Мустақил ишлаш учун топшириқ берилади.	Саволлар берадилар  Вазифани ёзиб оладилар.

**Таянч сўзлар :** кўргазмалилик, харита, синхронологик жадвал, дидактик материал, режа, шеърин санъат, ребус, кросворд, янги мавзу, ўзлаштириш, карточкалар, карточкаларнинг турлари, бадий тасвир, тарсеъ, талмех, ташхис, ифрок, ирсоли масал, тазод, баҳолаш.

#### Адабиётлар:

1. А.Зуннунов ва бошқалар. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992.
2. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент, «Янги аср авлоди» 2006 й.
3. М.Мирзаев. 4-8-синф адабиёт дарсларида кўргазмалилик. Тошкент, 1986.

#### 2-амалий машғулот

Янги дарс мавзусини ўқишда карточкалардан фойдаланиш йўллари кузатиш. Бадий асар режасини тузишга ўрганиш усуллари. Бадий тасвир воситаларига оид жадваллар тузиш методикаси. Ребус ва кросвордлар тузишни ўрганиш методикаси.

**Таянч сўзлар:** мусобақа, савол – жавоб, топшириқ, гуруҳлар, голиб, натижа, мустаҳкамлаш, хотира, синаш, баҳолаш.

**Ўқув мақсади:** Янги мавзунини ўқишда тарқатма материаллардан фойдаланиш ва бадий тасвир воситаларига оид жадваллар, ребус ва кросвордлар тузиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

**Машгулот шакли** – *Очиқ дарс, амалий, индивидуал, суҳбат, дарсик гуруҳларда ишлаш.*

**Машгулот методи** – *суҳбат, БББ усули.*

**Идиастик жихозлар:** *Ўқув қўлланма, проектор, тарқатмалар.*

**Тавиқ сўзлар:** *кўргазмалилик, харита, синхронологик жадвал, идиастик*

*материал, режа, бадий тасвир, шеърин санъат, ребус, красворд.*

### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Навоийдан бизга қандай асарлар мерос бўлиб қолган?
2. “Хамса” ёзишда Навоий қандай ижодий тамойилларга таянганлигини гапириб беринг.
3. Навоий нима учун “Фарҳод ва Ширин”ни “шавк достони” деб атайди? Унда улуғланган ишқ қандай аҳамиятга эга?
4. Баҳромнинг тинглаган ҳикояларини санаб беринг.
5. Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидан кўзлаган мақсади Насриддин образи воситасидаги орзуси нималардан иборат эди?

Дарсени яқунлаш пайтида ўқувчилар қўлидаги карточкалар сони ва ранглари ҳисобга олиниб шу асосда улар баҳоланадилар.

### **1- топшириқ. Матнни ўқинг ва топшириқли карточкалар тайёрланг.**

Карточкалардан фойдаланиш ҳам ўз ўрнида кўргазмавийликнинг бир тури бўлиб дарснинг ҳамма жараёнларида уларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Давр спецификасига доир шарҳли ваъзлар (обзор мавзулар) ўрганилаётган асарга алоқадор. Ёзувчи таржимаи ҳолининг ўрганилаётган асарга боғланиши табиий. Йирик асарлар таҳлилига киришишдан аввал албатта унинг мазмунини ўзлаштириш матн устида ишлаш шарт. Адабий – назарий тушунчалар аксар таҳлили учун зарур воситадир. Адабиёт дарсларида бадий асар таҳлили алоҳида ўрини эгаллайди. Яқунловчи машгулотлар ҳам адабий таълимнинг изчиллигини таъминловчи муҳим омилдир. Ўқувчиларга бадий асар таҳлили яқунловчи машгулотлар жараёнларида топшириқли карточкалардан фойдаланиш бўйича талабаларга топшириқлар бериб қўйилади. Ҳар бир талаба ўзи таслаган бир мавзунинг ишланмасини олдиндан тайёрлаб шу мавзунини очиш учун қўлланиладиган кўргазмали қуроолларни шу

жумладан топширикли карточкаларни ҳам ўз дарсида қўллайди. Уларнинг мавзунини очишдаги кўмагини амалда кўрсатади.

Масалан: Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўтиб тугатгач яқунловчи машғулотда саволли карточкалардан фойдаланади. Унда тартиб билан Навоийнинг ҳаёт йўли, лирик асарлари, “Хамса” асари юзасидан бериладиган савол ва топшириқлар рангли карточкаларга ёзиб келинади. Ўқувчиларни рағбатлантиришда ҳам рангли, шакллари турлича бўлган карточкалардан фойдаланади.

Қизил карточка – энг тўғри жавоб учун.

Яшил карточка – унча тўғри бўлмаган тўлдирилиши лозим бўлган жавоб учун. Қора карточка – нотўғри жавоб учун.

**2-топшириқ.** Бадиий асар қисмлари бўйича режа тузинг.

**3-топшириқ.** Шеърий санъат турларини санаб беринг, жавобингизни “Кластер” усулидан фойдаланган ҳолда доскага ёзинг.



**4-топширик.** Тасвирий воситаларни ўрганишда қандай адиб-ёшлардан фойдаланиш мумкин?

**5-топширик.** Қуйидаги байтларда қандай шеърий санъатлар қўлланган? Уларни изохлаб беринг.

1. Кўзумдин ёшуниб эй баҳри алтоф,

Кўзумнинг ёшини дарё қилибсан. (муболаға)

2. Хати бинафша, хади лола, зулфи райхондур,  
Баҳори хуснида юзи ажаб гулистондур. (ташбеҳ)

3. Рафтоир-ю қадиға равоним садқа,

Бир боқишига икки жаҳоним садқа. (тазод)

4. Қондин элга ёйди тифли ашк сирримни менинг,  
Чунки мен иул ёшни ҳаргиз соҳиб асрор этмадим. (ийҳом)

5. Қаду хаттинг била кўзу юзунг, эй сарви сиймин тан,  
Бири сарву, бири райхон, бири наргис, бири гулшан.

(таносуб)


6. Сабру ҳушу ақлу дилимни олибдур найлайин,

Сарв қадди, гул руҳи, райхон хати, насрин бари. (лафф ва шир)

**6-топширик.** Қуйидаги намунадан фойдаланиб ўзингиз осган ижодкорнинг тасвирий воситаларни ишлатиш маҳоратига мисоллар келтиринг ва уни жадвал асосида ёритинг

**7-топширик.** Академик лицейларнинг иккинчи босқичи учун ярилган «Адабиёт» мажмуасидан фойдаланиб шеърий санъатларнинг қўлланилишига мисоллар келтиринг.

Ушбу криптограммани ҳал етсангиз Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекнинг улуғ ўзбек адиби Абдулла Қодирий ҳақидаги сўзларни ўқийсиз.



### Очқич сўзлар:

1. А.Қодирийнинг тарихий романи – 14, 16, 29, 8, 4, 5, 9, 1, 3, 18, 1, 23, 3
2. Ёзувчи ташкил этган жарида – 14, 13, 30, 7, 13, 14.
3. Адибнинг ўттизинчи йиллардаги кишлоқ ҳаётига оид киссаси – 4, 5, 2, 9, 19, 16, 7, 14, 4, 3.
4. Абдулла Қодирий асари асосида суратга олинган “Зулматни тарк этиб” фильмида бош қаҳрамонни гавдалантирган сан’аткор – 21, 8, 12, 1, 30, 16, 17.
5. Ёзувчининг адабий тахаллусларидан бири – 26, 13, 6, 10, 13, 3, 5, 4, 15.
6. “Абдулла Қодирийнинг о‘тган кунлари” драмаси муаллифи, ўзбек драматурги ва адабиётшунос олими – 2, 27, 27, 1, 7, 11, 13, 6, 7, 4, 3.
7. Саҳна асарининг тугалланган қисми – 25, 1, 8, 9, 1.
8. Енг яхши намуна, ифтихор – 28, 1, 22, 8.
9. Бирор иш-ҳаракатни амалга оширишдаги фикр, ният – 24, 4, 20.

У-мавзу.	<b>Конференция дарси учун мавзу танлаш. Ушбу дардан кузатилган мақсад ва вазифалар. Унга тайёрланиш ва уни ўтказишнинг ташкилий-методик томонлари.</b>
----------	--

**Таълим бериш технологияси**

Машғулот вақти 10 дақиқа	Талабалар сони 15-25 тагача
Машғулот шакли	Амалий машғулот
Амалий машғулот режиси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Конференция дарсининг ютуқ томонлари..</li> <li>2. Конференция дарсининг салбий томонлари.</li> <li>3. Конференция дарсини ташкил этишда манбаларга таяниш.</li> <li>4. Дарсларни конференция дарси тарзида ўтказиш.</li> </ol>
<p><b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Конференция дарси учун мавзу танлаш, унга тайёрланиш ва уни ўтказишнинг ташкилий-методик томонлари билан кўникма ва малакалар ҳосил қилинади.</p>	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Конференция дарсининг ютуқ томонлари;</li> <li>• Конференция дарсининг салбий томонлари;</li> <li>• Конференция дарсини ташкил этишда манбаларга таяниш;</li> <li>• Дарсларни конференция дарси тарзида ўтказишга ўргатиш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Конференция дарсининг ютуқ томонлари нимада эканлигини;</li> <li>• Конференция дарсининг салбий томонлари нимада эканлигини;</li> <li>• Конференция дарсини ташкил этишда манбаларга таяниш муҳимлиги сингдирилади;</li> <li>• Дарсларни конференция дарси тарзида ўтказишга ўргатилади.</li> </ul>
Таълим бериш усуллари	Амалий машғулот, сухбат, тақдимот.
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, тарқатмалар.
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

## 1.2. амалий машғудотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи	<p>1. Амалий машғулот матнини тайёрлаш.</p> <p>2. Амалий машғулот учун тақдимот слайдларини тайёрлаш.</p> <p>3. Талабаларнинг амалий машғулотдаги фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Фойдаланиладиган адабиётлар рўyxатини тузиш.</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Кўриб ёзиб борадилар</p> <p>Танишадилар. Кўчириб оладилар.</p>
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1 Мавзу доскага ёзилади. Слайдлар ва адабиётлар рўyxатини бериб, уларга қисқача таъриф берилади.</p> <p>1.2. Амалий машғулот мавзуси, унинг мақсади ва фаолият натижалари билан таништиради.</p> <p>1.3. Талабалар амалий машғулотдаги фаолиятини баҳолаш мезони билан таништирилади.</p> <p>1.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p>
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзунинг бўйича асосий жиҳатларини тушунтириб беради.</p> <p>2.2. Мавзунинг таълим босқичларидаги аҳамияти.</p> <p>2.3. Талабалар бажариши лозим бўлган амалий машғулотлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Конференция дарси учун мавзу танлаш;</li> <li>• ушбу дарсдан қузатилган мақсад ва вазифаларни аниқлаш;</li> <li>• унга тайёрланиш ва уни ўтказиш.</li> </ul>	<p>Тинглайдилар, ёзадилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзадилар.</p> <p>Талабалар берилган</p>

	<p>2.3.Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида куйидаги саволлар берилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Конференция дарси учун қандай мавзу танланади?</li> <li>• ушбу дарсдан кузатилган мақсад ва вазифалар нималардан иборат?</li> <li>• унга тайёрланиш жараёнида нималарга эътибор қаратиш лозим?</li> <li>• Конференция дарсини ташкил этиш ҳақида қандай манбалар билан танишсиз?</li> <li>• Дарсни конференция дарси тарзида ўтказиш сизга маъқулми ёки йўқ. Фикрингизни изоҳланг.</li> <li>• Конференция дарсини ташкил этиш ҳақида таклифларингиз.</li> </ul>	<p>саволларга жавоб берадилар.</p>
<p><b>3. Якуний боскич (10 дақиқа)</b></p>	<p>3.1. Талабалар томонидан берилган саволларга жавоб берилади.</p> <p>3.2. Ўтилган машғулот хулосаланади.</p> <p>3.3 Мустақил ишлаш учун топшириқ берилади.</p>	<p>Саволлар берадилар</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

**Таянч сўзлар:** Конференция дарси, мавзу, танлаш, мақсад, вазифалар, салбий, ижобий, тайёрланиш, манбалар, маъруза, иқтидор, адабиётлар, техник воситалар,саҳна кўрини, кўргазмали куроллар, тарқатма дидактик материаллар, шеърият дақиқа, педагогик технологиялар, муаммоли саволлар.

### **3-амалий машғулот**

**Мавзу:** Конференция дарси учун мавзу танлаш. Ушбу дарсдан кузатилган мақсад ва вазифалар. Унга тайёрланиш ва уни ўтказишнинг ташкилий-методик томонлари.



**Таянч сўзлар:** кўргазмалилик, харита, синхронологик жадвал, дидактик материал, режа, бадий тасвир, шеърый санъат, ребус, красворд.

**Ўқув мақсади:** Конференция дарси учун мавзу танлаш, унга тайёрланиш ва уни ўтказишнинг ташкилий-методик томонлари юзасидан кўникма ва малакалар ҳосил қилинади.

**Машғулот шакли** - амалий, индивидуал, суҳбат, кичик гуруҳларда ишлаш.

**Машғулот методи** – суҳбат, ақлий ҳужм, бхбхб усули.

**Дидактик жиҳозлар:** Ўқув қўлланма, проектор, тарқатмалар.

Конференция дарслар якуний машғулотнинг бир шакли бўлиб, бундай дарслар махсус тайёргарликни талаб қилади.

Конференция дарсларида ўқувчиларнинг мавзу юзасидан маърузалари тингланади, шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан ёд олинади, драматик асарлардан парчалар сахналаштирилади, грампластинка ва магнит ленталаридан куй тингланади, адабий ўйинлардан ва техник воситалардан фойдаланилади.

Конференция тарзида ўтказиладиган дарсда ўқувчилар ўрганилган асарнинг тарбиявий аҳамиятини дастурдаги анъанавий дарслардан кўра чуқур англаб етадилар. Маърузаларни тайёрлаш жараёнида уларда қўшимча манбаларда фойдаланиш малака ва кўникмаси шаклланади. Асар кахрамонлари ва ёзувчи ижодига мустақил муносабат билдирилади. Адиб маҳорати баҳоланади.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини академик лицейларнинг иккинчи босқичида ўрганиш учун маъруза мавзуларини танланг. Ҳар бир мавзу юзасидан тегишла адабиётлар рўйхатини тузинг.

Ўқувчиларни уч гуруҳга ажратиб, ҳар бир гуруҳ учун ном танланг ва улар учун савол ва топшириқлар тузинг.

Қуйидаги кўрсатмалар асосида конференция дарси учун дарс сценарийсини тайёрланг. Конференция дарси учун мавзу танланг. Мавзу асосида бажариш лозим бўлган ишларни режалаштиринг.

### Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Конференция дарсининг ютуқ томонларини санаб беринг.
2. Конференция дарсининг салбий томонларини санаб беринг.
3. Конференция дарсини ташкил этиш ҳақида қандай манбалар билан пинҳисиз?
4. Дарсни конференция дарси тарзида ўтказиш сизга маъқулми ёки йўқ. Фикрингизни изоҳланг.
5. Конференция дарсини ташкил этиш ҳақида таклифларингиз.  
1-топшириқ. Мавзу асосида бажариш лозим бўлган ишларни режалаштиринг:  
а) маъруза мавзуларини ўқувчиларнинг иқтидорига қараб бўлиб бериш;  
б) маъруза юзасидан адабиётларни тавсия этиш;  
в) мавзуга доир техник воситалардан ўринли фойдаланиш;  
г) сахна кўриниши тайёрлаш;  
д) кўргазмали куруллардан, тарқатма дидактик материаллардан фойдаланиш;
- 2-топшириқ. Мавзуга мос муаммоли вазият ташкил қилинг:  
а) дарсда қўллаш мумкин бўлган педагогик технологияларни ажратиш;  
б) муаммоли саволлар асосида ўқувчиларни баҳсга жалб қилиш.

### Адабиётлар:

1. А.Зуннунов, Н.Ҳотамов, Ж.Эсонов, А.Ибрагимов. “Адабиёт ўқитиш методикаси” –Т, “Ўқитувчи” 1992 йил.
2. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент. «Янги аср инқилоди» 2006 й.
3. Қ.Йўлдошев ва бошқалар. Адабиёт ўқитиш методикаси.(дастурий қўлланма). Тошкент, 1994.

<b>4-мавзу.</b>	Адабиёт дарсларида тарқатма материаллар. Уларнинг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқувчиларнинг баён ва иншо ёзишга ўргатишдаги замонавий педагогик технологиялар. Ёзувчи ҳаёти ва ижодининг ўрганишда хронологик жадваллар тузиш методикаси.
-----------------	---

### Таълим бериш технологияси

<b>Машғулот вақти</b> 80 дақиқа	<b>Талабалар сони 15-25 тагача</b>
<b>Машғулот шакли</b>	<b>Амалий машғулот</b>
<b>Амалий машғулот режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Адабиёт дарсларида кўргазмалиликнинг вазифалари.</li> <li>2. Кўргазма турлари.</li> <li>3. Кўриш билан боғлиқ кўргазмалилик.</li> <li>4. Эшитиш билан боғлиқ кўргазмалилик.</li> <li>5. Кўргазмалиликнинг синтетик воситалари.</li> <li>6. Кўргазмали куроллардан дарсда фойдаланиш методикаси.</li> <li>7. Кўргазмалилик билан боғлиқ савол ва топшириқлар.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Адабиёт дарсларида кўргазмалиликнинг вазифалари, кўргазма турлари, улардан дарсда фойдаланиш методикаси юзасидан кўникма ва малакалар ҳосил қилинади.	
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Адабиёт дарсларида кўргазмалиликнинг вазифалари;</li> <li>• Кўргазма турлари;</li> <li>• Кўриш билан боғлиқ кўргазмалилик;</li> <li>• Эшитиш билан боғлиқ кўргазмалилик;</li> <li>• Кўргазмали куроллардан дарсда фойдаланиш методикаси ўргатилади.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Адабиёт дарсларида кўргазмалиликнинг вазифалари;</li> <li>• Кўргазма турлари;</li> <li>• Кўриш билан боғлиқ кўргазмалилик;</li> <li>• Эшитиш билан боғлиқ кўргазмалилик;</li> <li>• Кўргазмали куроллардан дарсда ўринли фойдаланиш амалиёти ўрганилади.</li> </ul>
<b>Таълим бериш усуллари</b>	Амалий машғулот, суҳбат, тақдимот, кластер.
<b>Таълим бериш шакллари</b>	Оммавий, жамоавий
<b>Таълим бериш воситалари</b>	Ўқув қўлланма, проектор, тарқатмалар.
<b>Таълим бериш шароити</b>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

## 1.2. амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи	<p>1. Амалий машғулот матнини тайёрлаш.</p> <p>2. Амалий машғулот учун тақдимот слайдларини тайёрлаш.</p> <p>3. Талабаларнинг амалий машғулотдаги фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тузиш.</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Кўриб ўзиб борадилар</p> <p>Танишадилар.</p> <p>Кўчириб оладилар.</p>
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1 Мавзу доскага ўзилади. Слайдлар ва адабиётлар рўйхатини бериб, уларга қисқача таъриф берилади.</p> <p>1.2. Амалий машғулот мавзуси, унинг мақсади ва фаолият натижалари билан таништиради.</p> <p>1.3. Талабалар амалий машғулотдаги фаолиятини баҳолаш мезони билан таништирилади.</p> <p>1.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p>
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзунинг бўйича асосий жиҳатларини тушунтириб беради.</p> <p>2.2 Мавзунинг таълим босқичларидаги аҳамияти.</p> <p>2.3. Талабалар бажариши лозим бўлган амалий машғулотлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кўргазма турлари;</li> <li>• Кўриш билан боғлиқ кўргазмалар;</li> <li>• Эшитиш билан боғлиқ кўргазмалар бўйича намуналар эскизини тайёрлаш;</li> <li>• Кўргазмали қуроолардан дарсда қандай фойдаланиш методикасини изоҳлаш.</li> </ul> <p>2.3.Талабалар билимларини</p>	<p>Тинглайдилар, ёзадилар.</p> <p>Ўзиб оладилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзадилар, бажарадилар, сўзлайдилар.</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб</p>

	<p>фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида куйидаги саволлар берилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Адабиётдан кўргазмалилик қандай вазифаларга хизмат қилади?</li> <li>2. Кўргазмалиликнинг қандай турларини биласиз?</li> <li>3. Кўргазмалилик бадиий асарни ўрганишда муҳим восита деганда нимани тушунасиз?</li> <li>4. Қўриш ва эшитиш билан боғлиқ кўргазмалиликни мисоллар асосида изоҳланг?</li> </ol>	берадилар.
<b>3. Якуний босқич (10 дақиқа)</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>3.1. Талабалар томонидан берилган саволларга жавоб берилади.</li> <li>3.2. Ўқитилган машғулот хулосаланади.</li> <li>3.3 Мустақил ишлаш учун топширик берилади.</li> </ol>	<p>Саволлар берадилар</p> <p>Вазифани ёзиб оладилар.</p>

**Таянч сўзлар:** адабий асар, кўргазма, матн, таҳлил, карточка, портретлар, иллюстрациялар, расм, фотосуратлар, техник воситалар, репродукциялар, альбомлар, тасвирий санъат асарлари, диафильм ва диапозитивлар, пластинка ва магнит тасмалари, телекўрсатувлар, теледарслар.

#### **Адабиётлар:**

1. А.Зуннунов, Н.Ҳотамов, Ж.Эсонов, А.Ибрагимов. “Адабиёт ўқитиш методикаси” –Т, “Ўқитувчи” 1992 йил.
2. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент. «Янги аср авлоди» 2006 й.
3. Ю.К. Бабанский. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари.
4. Тошкент. "Ўқитувчи", 1990.
5. М. Мирфаёзов. 4-8 синф адабиёт дарсларида кўргазмалилик. Тошкент. "Ўқитувчи", 1986.

#### **4-амалий машғулот**

**Мавзу:** Адабиёт дарсларида тарқатма материаллар. Уларнинг турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқувчиларни баён ва иншо ёзишга ўргатишдаги замонавий педагогик технологиялар.

Ўқувчи ҳаёти ва ижодини ўрганишда хронологик жадваллар тузиш методикаси.

**Тяғич сўзлар:** адабий асар, кўрғазма, матн, таҳлил, карточка, шрифтлар, иллюстрациялар, расм, фотосуратлар, техник воситалар, репродукциялар, альбомлар, тасвирий санъат асарлари, диафильм ва диапозитивлар, пластинка ва магнит тасмалари, телекўрсатувлар, теле-дарслар.

**Ўқув мақсади:** Адабиёт дарсларида кўрғазмалиликнинг вазифалари, кўрғазма турлари, улардан дарсда фойдаланиш методикаси юзасидан кўникма ва малакалар ҳосил қилинади.

**Машиғулот шакли** – Амалий машиғулот, суҳбат, тақдимот, кластер.

**Машиғулот методи** – суҳбат, ақлий ҳужм, бхбхб усули.

**Дидактик жиҳозлар:** Ўқув қўлланма, проектор, тарқатмалар.

Бадий адабиёт борлиқни жонли манзаралар, образлар орқали акс эттиради. Табиатига кўра адабиётнинг ўзи борлиқнинг кўрғазмали тасвиридан иборат. Аммо адабиёт дарсларида санъатнинг бошқа турлари: кино, телевидение, мусиқа, тасвирий санъат ҳам ёрдамга келиши мумкин. Булар адабиёт дарсларига қўшимча ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади, ўқувчиларда эстетик туйғуларнинг шаклланиши ва ривожига имкун беради, шунингдек адиб яратган образларнинг ўқувчи онгида янада нухтароқ мухрланишига ёрдам беради. Ҳозирги пайтда турли киноаппаратлар, телевизор, эпидиаскоп, магнитофон ҳар бир мактабда ҳам, ҳар бир хонадонда ҳам деярли мавжуд. Буларнинг ҳисобига кўрғазмали куруллар доираси янада кенгайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кўрғазмалиликдан дарсда ш синфдан ташқари ишларда фойдаланиш бир-биридан ўз характерига кўра жиддий фарқ қилади ҳамда бошқа-бошқа мақсадларни кўзда тутлади. Тўғарак ишларда, синфдан ташқари машиғулотларда ўқитувчи масалан, ўқувчиларнинг санъатини муайян тури ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ёки ўқувчиларни бирор тасвирий санъат, мусиқа асари, теле ёки кино фильм билан таништириш вазифасини қўйиши мумкин. Бу шунингдек ўқувчиларнинг адабий асарларни ўзлаштиришларига муайян даражада ижобий таъсир кўрсатади. Адабиётнинг бошқа санъат турлари билан ўзаро таъсири бир хил бўлмаса-да,

Ўқувчиларнинг кино, театр, мусика, тасвирий санъат ҳақидаги таъриблари уларнинг адабий жиҳатдан камолотларида жиддий таъсир кўрсатади.

Дарсда эса кўргазмалилик ўқувчиларнинг асарини ўзлаштиришига ёрдам бера оладиган даражадагина қўлланиши мумкин. Акс ҳолда у биринчи ўринга чиқиб, асосий мавзу орқали ўринда қолиши мумкин.

Адабиёт дарсларидаги кўргазмалиликнинг бош вазифаси ўқувчиларга адабий асарни идрок этишда кўмаклашиш, ёзувчи ижодини тўлароқ тасаввур этишга ёрдамлашиш адабий-назарий тушунчаларни эгаллашга қўшимча имкон яратиш, ўқувчилар нутқини ўстиришни таъминлашдан, бир сўз билан айтганда адабиёт ўқитувчиси олдида турган барча вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беришдан иборат.

Бу хусусият ҳар бир конкрет ҳолатда турли хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Кўргазмалиликдан фойдаланганда дарсларда шартли равишда ўқувчининг пассив ёки фаол иштироки ҳақида гапириш мумкин. Агар кўргазмали курул ўқувчи фаоллигига ижобий таъсир кўрсатмаса ундан фойдаланмаган маъкул.

Гап ўтмиш адабиёти, ёхуд чет эл ҳаёти билан боғлиқ асарлар устида борадиган бўлса, кўргазмалиликнинг аҳамияти янада ортади. Зеро ўқувчи хира тасаввур қилган ёки мутлақо тасаввурга эга бўлмаган воқеа ва ҳодисалар ҳақида кўргазмалилик туфайли ёрқинроқ ва аниқроқ билим ва тасаввурларга эга бўлади. Бундай пайтда ўқитувчининг изоҳи камлик қилади, ана шу ўринни кўргазмалилик тўлдирди.

Кўргазмалилик ўқитувчи изоҳида ҳам мавжуд. Гарчи бундай ҳолатларда ўқувчида пассивлик сезилса-да, аммо бу кўргазмалиликнинг ролини мутлақо пасайтирмайди.

Аммо шуниси муҳимки, кўргазмалилик воситасида ўқувчи фаол мулоқотга, суҳбатга, фаол фикрлаш даражасига етсин. Кўргазмалилик адабий жараён, ҳодиса ёки образнинг муайян қирраларини очишга ёрдам берагина шундай бўлади.

Бир асарга турли рассомлар чизган суратлар воситасида ўқувчи фаоллигини таъминлаш мумкин. Бундай ишлар қаҳрамонлар характерини чуқурроқ англашда, асарда тилга олинган давр ҳодисаларини ёрқинроқ тасаввур қилишда ёрдам

берилади. Масалан, Алишер Навоий "Хамса" сани ўтишда достонларга ишланган қадимий миниатюралар ҳамда ҳозирги шмон рассомлари асарларидан фойдаланиш мумкин. Улар асосида, масалан, " Лайли ва Мажнун " ёки " Фарҳод ва Ширин " достонини сюжет йўналиши, қаҳрамонлар характеридаги мураккабликни ўқувчилар ёркинрок тасаввур этиши мумкин.

Ўқувчилар билим фаолиятини ошириш ва фаоллаштиришда уларни ўзларини кўргазмали қуроллар ясашга жалб этиш ҳам самарали бўлади. Хусусан шеърий вазнларни белгилашда, адабий тур ва жанрларни ажратишда ўқувчиларнинг ўзини ҳам бунга жалб этиш мумкин. Бу ўқувчилардаги муайян билимларни мустаҳкамлашда ҳам қўл келади.

Демак, кўргазмалиликнинг вазифалари ниҳоятда хилма-хил бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда кўргазмалиликнинг турлари ниҳоятда хилма-хилдир. Уларнинг ҳар бири кўриш, эшитиш, синтетик шаклдаги кўргазмалиликка тегишли бўлиши мумкин.



Айниқса кўриш билан боғлиқ бўлган кўргазмалиликнинг аҳамияти каттадир. Бунга ёзувчи ва шоирларнинг портретлари, асарларга иллюстрациялар, ёзувчи (адиб) ҳаёти ва ижодига алоқадор бўлган жойлар расми ёки, ёзувчининг ҳаёти ва ижодига алоқадор бўлган ёки ёзувчининг ҳаёти, асари билан боғлиқ фотосуратлар кириши мумкин.

Ҳар ҳолда энг камида дарслик ва мажмуалардаги расм намуналари шу вазифани бажариши мумкин. Ишда албатта ҳажми кўшимча техник воситаларни талаб қилмайдиган репродукциялардан фойдаланиш ҳам қулайлик туғдиради.

Откритка кўринишидаги расмлардан тарқатма материал сифатида фойдаланиш мумкин. Унинг қулайлиги шундаки, бу ҳолда ҳар бир ўқувчининг қобилияти ва имкониятини ҳам назарда тутиш мумкин бўлади.

Ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир альбомларда тасвирий санъат асарларидан намуналаргина эмас, ёзувчининг ўзи ва замондошлари айтган фикрлар, хатлардан намуналар бўлиши мумкин. Тасвирий ва ҳужжатли материалнинг бир хилдаги бирлашуви альбомлардан дарсда ҳам, синфдан ташқари ишларда ҳам, яқка машғулотларда ҳам фойдаланиш имконини беради.

Диафильм ва диапозитивлар ҳам асосан аа шунга яқин педагогик вазифаларни бажаради.

Ҳар хил жадвал ва схемалар ҳам ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш билан бирга уларнинг адабий-эстетик ривожланишларида омил бўлиши шубҳасиздир.

Тинглаш билан алоқадор кўргазмалилик ҳам алоҳида мавқега эга. Асарни, хусусан шеърини асарларни тўлиқ тушуниш ва ҳазм қилиш " учун адиб яратган товушли образларни эшитиш, ҳис қилиш ва баҳолаш ҳам ниҳоятда беқиёс аҳамиятга молик. Ғ.Ғулум, Ойбек, Ҳ.Олимжон, Э. Воҳидов, А.Ориповларнинг овозлари ёзилган пластинка ва магнит тасмалари, А.Навоий, Бобур, Огаҳий, Муқимий, Фурқат... шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар пластинка ва магнит тасмаларни бугун ўқитувчиларимиз кўп қийинчиликсиз топиши мумкин бўлган ва амалиётда кўп қўллайдиган манбалардир.

Муסיқа ва бадиий-ифодалари ўқиш адабиёт ўқитиш жараёнида ўқитувчилар фаоллигини оширишда ижобий роль ўйнайди.

Муסיқаларнинг адабиёт дарсларидаги зарурияти баъзан ниҳоятда оқинқ сезилади. Масалан, куйи синфларда эртақ ва дostonларни, халқ кўшиқларини фақат эшитиш эмас, балки халқ бахшилари, лапарчилари, кўшиқчиларининг ижросини кузатиш ҳам мароқли ва таъсирлироқ бўлади. Аммо кўрғазмалиликнинг асосий нарса эмас, балки " иккинчи даражали " материал эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим.

Гап шундаки, ҳар қандай сифатли ва замонавий техник воситалар ҳам бевосита мулоқот нуқтаи назаридан ўқитувчи нутқининг ўрнига тенг келолмайди. Ўқитувчи ўзи матнни ўқиганида истаган вақтда уни узиши, тегишли зарурий изоҳ ва тушунтиришлар бериши, ўқувчилардан сўраши мумкин, Бугина эмас ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ифодали ўқиши мутлақо бошқача самара берадики, буни актёр ёки профессионал ижрочи томонидан амалга оширилган ҳаракат натижасида эришиши мумкин эмас.

Актёр ижроси кўпгина устунликларга эга, аммо у ўқитувчи ва ўқувчи ўқишини сиқиб кўядиган ёки чегаралайдиган бўлса, бунинг оқибатида ўқувчининг ижодий- ижрочилик қобиляти сусайиб кетиши мумкин.

Демак, ҳар қандай кўрғазмалиликда бўлгани сингари, эшитиш билан боғлиқ кўрғазмалиликда ҳам ўқитувчи тегишли педагогик ва методик талаб ва меъёрларга амал қилиши шартдир.

Кўрғазмалиликнинг синтетик воситалари.

Кино ва телевидениянинг имкониятлари ниҳоятда катта. Уни махсус изоҳлаш зарурати йўқ. Унда ҳам кўриш ҳам эшитиш кўрғазмалилиги мавжудки, улар образларнинг макон ва замонда кайта гавдалантириши билан адабий воқеликнинг асл ҳолига анча яқин манзарани ярата олади. Шунинг учун ҳам улардан ўқув мақсадларида фойдаланиш имконлари ҳам келажаги ҳам катта.

Аммо улардан фойдаланишдаги мураккабликлар ҳам кам эмас. Хусусан телекўрсатувлар муддати ва давомийлиги, табиийки ўқитувчига мутлақо боғлиқ эмас.

Кино сценарийлар орасида ёзувчи таржимаи ҳоли (А. Қодирий, Одил Ёқубов, П.Қодиров, Зулфия, Ойбек) билан боғлиқликлари, экранлаштирилган асарлар ( "Ўтган кунлар", "Қутлуғ қон", "Темир хотин", " Юлдузли тунлар " в.б.) мавжуд. Табиийки уларнинг кўли бир неча қисмлардан иборат. Ўқитувчи

уларнинг ҳаммасидан эмас, балки бевосита дарс мақсади ва вазифасига боғлиқ қисмлардагина фойдалангани мақсади мувофиқ бўлади.

Адиблар яшаган жойлар билан боғлиқ (А. Яссавий, А. Навоий, Бобур) киноэкскурсиялардан ҳам шу хилда фойдаланиш ўринли бўлади. Уларнинг айримларидан синфдан ташқари ишларда фойдаланиш ҳам самарали бўлади.

Ҳозирги пайтда доимо янгиланиб турадиган теле-дарслар ҳам кўшимча имконият сифатида назарда тутилиши мумкин.

Адабиёт ўқитувчиси кўрғазмалиликнинг қайси туридан ва қандай ҳолатда, шунингдек, қай миқдорда фойдаланишини аниқ белгилаб олиши шарт. У дарслар тизими ёки бир дарснинг муайян қисми бўлиши мумкин.

Гарчи методик адабиётларда кўрғазмалиликдан яқунловчи дарсларда маҳоратли ўқитувчи ундан исталган дарс типи ва дарснинг истаган қисмида фойдаланиш мумкин.

Масалан, Навоий лирикасини ўтишдан олдин синфда "Келмади" ёки "Гулузор" кўшиқларини тинглаш синфда Навоий поэзияси руҳини ҳосил қилишда муҳим ўрин тутиши мумкин.

Асарни ўрганишнинг яқунловчи босқичида қиёсий йўналишдаги топшириқларни бериш кўпроқ тарқалган. Зеро бу усул асар моҳиятини, образлар характерини, сўз санъатини ўзига хос хусусиятларини ёрқинроқ ва чуқурроқ англашда энг сермаҳсул ҳисобланади.

Шунга кўра Маъмуржон Узоқов иштирокида "Айрилмасун" кўшиғини эшитиш Фурқат ижодига хос бўлган айрилик, Фурқат, ҳижрон мотивларининг эҳтиросли талкининг имкон беради.

Агар кўрғазмалиликнинг дидактик функцияси олдиндан пухта ўйлаб, кўрилмаса, дарс самарадорлиги бир қадар сусайиши, айрим ҳолатларда эса унга мутлақо салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" асарини ўрганишда кўпинча шу номдаги фильмдан фойдаланилади. Бунда фильм фақат иллюстрация вазифасини адо этади. У ўқувчилардан фаол ақлий фаолиятини талаб қилмайди, дарсдаги фаоллик пасаяди. Бугина эмас, бадий-адабий образнинг кинообраз билан бир хил баҳоланиши каби хавф ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бироқ бу хавфни бартараф қилиш имкони ҳам бор. Бунинг учун кинообраз



Билиш бадий тасвирни қиёслашга ундаш кифоя қилади. Жумладан, Отабекнинг изтироб чекиш лавҳасини кино ва ентобда кузатиш орқали кинодан ифода воситалари билан адабиётдаги тасвир воситаларини қиёслаш орқали сўз санъати имконлари аниқроқ ва ёркироқ ифодаланади.

Асарни тўлароқ идрок этиш адабиётга яқин бўлган санъат воситаларида фойдаланишдан олдин ўқувчилар дастлаб асар ҳақида элементар бўлса-да тасаввурга эга бўлиши лозим.

